2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

19 (621)

2008 йил 7 май

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
- Фазилатларнинг энг афзали жасоратдир!
- Вазих Кабаев фахрийлар сафида

3
- Асрларга татигулик анъаналар намойиши
- «Қурувчи»нинг нуфузи юқорилади

4
- Минг отлиқ суворий маскани — Ҳазорасп
- Пинҳона гап пойлаган қулоқдан айрилар!

"ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ»

«Маънавият» нашриёти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобини нашрдан чиқарди.

Ушбу китобда одамзот учун ҳамма замонларда ҳам бебаҳо бойлик бўлиб келган маънавиятнинг маъно-мазмуни, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, бу мураккаб ва серқирра тушунчанинг назарий ва амалий томонлари кенг қамровли фикр ва хулосалар орқали таҳлил этилади. Айни пайтда истиқлол йилларида юртимизда миллий маънавиятимизни тиклаш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган улкан ишлар, бу борада олдимизда турган мақсад ва вазифалар, ислоҳотларнинг маънавий мезонлари ҳақида атрофлича фикр юритилади.

Муаллиф ҳақли равишда таъкидлаганидек, «Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак».

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги ва эртанги ҳаётимиз билан чамбарчас боғлиқ бўлган ғоят муҳим ва ҳал қилувчи масалалар ўртага қўйилган мазкур асар инсоннинг юксалишида маънавият оламининг қандай таъсир ва кучга эга экани, шунингдек, маънавиятга қарши қаратилган хуружларнинг реал хавфи ҳақида ҳар томонлама мушоҳада юритиш, халқимиз янги ҳаёт, янги жамият асосларини қураётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда одамларни бундай хатарлардан огоҳ этиш, келажак авлодимизни маънавий соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, эл-юртимиз, кенг жамоатчилик эътиборини бу масалаларга яна бир бор қаратишга даъват этиши билан улкан аҳамият касб этади.

/ЎзА/

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР МАСКАНИ

Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицей мамлакатимиздаги нуфузли ўқув даргоҳларидан биридир.

540 ўқувчига мўлжалланган лицейда табиий фанлар йўналиши бўйича таълим берилади. Бу ердаги илғор техник жиҳозлар, жумладан, 6 та лингафон ва 4 та компьютер хоналари, биология, кимё ва физика ўқув ҳамда лаборатория хоналари, мультимедиа системаси, радио, телемарказ ўқувчилар ихтиёрида. Шунингдек, лицейда «Маънавият ва маърифат» маркази, кутубхона ва спорт зали ишлаб турибди.

Ўқув даргоҳининг тажрибали ўқитувчилари ўқувчиларга пухта таълим беришга катта эътибор қаратмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган мактаб ўқувчилари ўртасида кимё фанидан 42-халқаро Менделеев олимпиадасида мазкур академик лицей ўқувчилари — Анвархўжа Мақсудхўжаев Олимпиаданинг олтин, Равшан Мирзаев эса кумуш медалига сазовор бўлгани ҳам фикримиз далилидир.

Ушбу қувончли воқеа муносабати билан лицей жамоаси Анвархўжа Мақсудхўжаев ва Равшан Мирзаевни қутлашди. Тадбирда улар эришган муваффақият ўқув даргоҳига, мураббийларга, мамлакатимизга катта шараф келтиргани таъкидланди.

СУРАТДА: *кимё фанидан 42-халқаро Менделеев олимпиадасида кумуш медални қўлга киритган Равшан Мирзаев (чапда) ва олтин медаль соҳиби Анвархўжа Мақсудхўжаев.*

Аъло АБДУЛЛАЕВ *(ЎзА)* **олган сурат.**

"Mahalla" хабарлари

Жиззах вилояти

ҚОРАҚУРСОҚДА ЯНГИ МАКТАБ

Зомин тумани Ширин қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Қорақурсоқ маҳалласида янги мактаб биноси қуриб фойдаланишга топширилди.

— Фарзандларимизнинг янги мактабда таҳсил олиш орзуси ушалди, — дейди маҳалла оқсоқоли Ярлақаб Норматов. — Шу пайтгача улар узоқ йўл босиб, қўшни қишлоқдаги мактабга қатнаб ўқишар эди. Мана, яқинда замон талабларига жавоб берадиган 180 ўринли мактаб маҳалла ўғил-қизлари ихтиёрига топширилди.

Ҳозирда ушбу 73-ўрта мактабда компьютер, фан ва лаборатория хоналари ишлаб турибди. Шунингдек, бу ерда ўқувчиларнинг жисмонан етук бўлиб камол топиши учун футбол, волейбол ва қўл тўпи бўйича спорт тўгараклари фаолият юритмоқда.

Илҳом ЮНУСОВ

Хоразм вилояти

ШОДЛИКда ШОДИЁНА

Урганч шаҳридаги Шодлик маҳалласида «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида хайрия тадбири бўлиб ўтди.

«Маҳалла», «Соғлом авлод» жамғармаларининг шаҳар бўлинмалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими кенгаши, касаба уюшмалари вилоят кенгаши ҳамкорлигида уюштирилган ушбу тадбирда эҳтиёжманд оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, фарзандлари учун ўқув қуроллари, беморларга дори-дармонлар топширилди.

Абдулла САФОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

— Яна нима дейсиз?
— Байрам арафасида бизни йўқловчилар яна ҳам кўпайиб кетди-я...

9 май — Хотира ва қадрлаш куни



Тошкент вилояти

Айни кунларда юртимизнинг ҳар бир гўшасида яқинлашиб келаётган Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан тантанали тадбирлар, маърифий-бадиий кечалар ўтказилмоқда.

Янгийўл туманидаги Туябўғиз маҳалласи фаоллари ҳам маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абзал Патхиев бошчилигида ҳудудда яшовчи уруш ва меҳнат фахрийлари, эътибор ва ғамхўрликка муҳтож кишиларни туҳфалар билан йўқлаб, эҳтиром кўрсатдилар.

СУРАТДА: *А.Патхиев туябўғизлик 86 ёшли уруш ва меҳнат фахрийси Норбой ота Бобомуродовни қутламоқда.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Жиззах вилояти

«Дилимдаги тилагим, тилимдаги дуоим:
Юртимизда тинчлик, осойишталик ҳамиша барқарор бўлсин!»

Тўқсон икки ёшдаман. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп кўрдим. Россиянинг Оренбург вилоятида таваллуд топган бўлсам-да, болалигимдан Ўзбекистонда яшайман. Самарқанд зооветеринария техникумини тамомлаб, Олот туманида ишлаб юрганимда иккинчи жаҳон уруши бошланди. Кўнгиллилар қатори урушга кетдим. Артеллериячилар батальонида хизмат қилиб, то Берлингача бўлган оловли йўлни босиб ўтганман. Аллоҳнинг иноятини қарангки, урушдан омон-эсон қайтдим, ҳаттоки яраланмадим.

Надоматлар бўлсинким, бу уруш инсон зотига кўп қурбонликлар келтирди. Айни йигит ёшида не-не паҳлавонларнинг гулдай умри хазон бўлди. Бугун орадан шунча йил ўтган бўлса-да, ҳануз уруш асорати юрагимни қийнайди. Қуролдош дўстларимни хотирлаб тураман. Уларнинг покиза руҳи шод бўлсин.

Куч-қувватим етарли пайтларда бир неча дўстларим билан борди-келди қилдик. Бир қанчаси билан хат, телефон орқали боғланиб, баъзиларини меҳмонга чорлаб, айримларининг уйларида бўлиб дийдорлашганмиз. Украина, Белорус ва ҳатто Польша ҳудудидаги қабристонларда хоки қолган қуролдошларимни зиёрат қилиб турардим.

Ҳаёт ширин, яшаган сайин яшагиси келавераркан, кишининг. Айниқса, юртимизда истиқлол йилларида қилинаётган хайрли ишларни кўргач, ободончилик ва бунёдкорликдан кўзи қувнагач, одамнинг ҳаётга завқи янада ортади. Булардан қувонмай бўладими ахир? Энг муҳими, қадриятларимиз қадр топди, уруш ва меҳнат фахрийларига бўлган эътибор кучайтирилди. Қабристонлар ободонлаштирилди, ўтганларни ёд этиш одат тусига кирди. Президентимиз раҳнамолигида шаҳидлар, қатағон йиллари қурбони бўлган минглаб ватандошларимиз шаънига боғлар барпо қилиниб, ёдгорликлар ўрнатилди. Бугун сафларимиз тобора сийраклашиб бораётган бўлса-да, уруш фахрийларига бўлган ғамхўрлик учун мамлакатимиз раҳбаридан миннатдормиз.

62 йилдан буён Жиззах шаҳрида яшаётган кекса авлод вакили, уруш ва меҳнат фахрийси сифатида айтадиган бўлсам, шаҳримиз менинг кўз ўнгимда чирой очиб, чаманзорга айланди. Ана шундай юртда, тенглар ичра тенг бўлиб яшаётганимдан бахтиёрман. Тилагим, юртимиз равнақи, биздан кейин юртга эгалик қиладиган ёшлар камолоти йўлида тиним билмаётган юртдошларимизга, аввало Юртбошимизнинг кучига куч, қувватига қувват қўшилсин. Илоё, тинчлик, осойишталик юртимизда ҳамиша барқарор бўлсину, невара-чевараларимиз уруш нималигини фақатгина тарих китобларидан ўқиб билсинлар. Дилимдаги тилагим, тилимдаги дуоим шу, менинг...

Талғат САБДЮШЕВ,
уруш ва меҳнат фахрийси.

Бугунги кунда мамлакатимиз ёшларининг ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб вояга етишини таъминлаш ҳамда бу борада жамоатчилик назоратини кучайтиришни назарда тутиб, шаҳарча, овул, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш ва жонлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, жорий йилнинг юртимизда Ёшлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан фуқаролар йиғинлари ҳузурида ташкил этилган мазкур комиссиялар иши самарадорлигини оширишга бўлган талаб ва эҳтиёж янада ошди. Шундан келиб чиққан ҳолда яқинда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашининг қўшма қарори асосида «Фуқаролар йиғинлари ҳузурида Ёшлар билан ишлаш комиссияси фаолияти тўғрисида» Низом тасдиқланди.

Айтиш жоизки, ёшлар билан ишлаш комиссиялари зиммасига давлатимизнинг ёшларга оид сиёсатини ёш авлодга етказишда кўмаклашиш, ёшларнинг маънан ва жисмонан баркамол инсонлар бўлиб улғайишига муносиб ҳисса қўшиш, ёшлар манфаатини ҳимоя қилиш, қолаверса, уларга ўз иқтидори ва қобилиятларини тўла намойиш этиб, юрт равнақи йўлида хизмат қилишлари учун ҳар томонлама шарт-шароит яратиб бериш сингари муҳим ва устувор вазифалар юклатилган. «Фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссияси фаолияти тўғрисида»ги Низом асосида эндиликда йиғин мутасаддилари ушбу комиссия ишини тўғри ва самарали ташкил этиши, фаолияти самарадорлигини ошириши мумкин.

Мазкур Низом матни билан ***3-саҳифада*** *танишасиз.*

Бухоро вилояти

БОЗОРЛАР ЮРТ КЎЗГУСИ

Азалдан Шарқ мамлакатларида бозорларга нафақат савдо-сотиқ ишлари амалга оширилади-ган масканн, балки юртнинг кўзгуси сифатида қаралган.

Республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, «Камолот» ЁИҲ Марказий кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ҳамкорлигида Бухоро марказий деҳқон бозорида ташкил этилган семинарда ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур тадбир «Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган «Ёшлар — таянчимиз, ишончимиз ва келажагимиз» номли кўргазманинг мазмун-моҳияти ҳамда «Бозор одоблари» мавзусида бозорларда кўргазмали тасвирий воситалар орқали маънавият тарғиботини таъминлашга бағишланди.

Дастлаб тадбир қатнашчилари янгидан қуриб фойдаланишга топширилган Бухоро марказий бозори фаолияти билан яқиндан танишдилар. Бозорнинг замонавий қурилиш ва меъморчилик талаблари ҳамда лойиҳалари асосида бунёд этилганлиги, тасвирий воситалар билан безатилганлиги тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Семинарда бозорларимизни халқимиз маънавиятини бойитадиган масканга айлантириш зарурлиги таъкидланди.

Ҳамроз АЛИ,
«Mahalla» мухбири.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **060** рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Бахоси келишилган нархда

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Хатлар бўлими: 236-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

Андижон вилояти

ФАХРИЙЛАР — АВТОЮРИШДА

Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан республикамиз бўйлаб турли тадбирлар ташкил этилмоқда.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши ташаббуси билан бошланган автоюриш жорий йилда «Ёшлар — келажагимиз таянчи» шиори остида ўтказилмоқда. Унинг таркибида ташкилотнинг доимий ёрдамчилари — иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари Аҳмаджон Мамажонов, Саидаҳмад Исаев, Акмал Газиев, Михаил Крымов, Натиржон Абдуллаев ва бошқа фахрийлар бор.

Автоюриш иштирокчилари бугун 7 май куни йўлга чиқадилар. Дастлабки учрашув Андижон шаҳридаги автомобиль мактабида бўлади. Мактабнинг 120 нафардан ортиқ курсанти уруш фахрийларини муносиб кутиб олиш учун пухта тайёргарлик кўрдилар. Икки авлод учрашувига бағишланган тантанада энг намунали курсантларга ташаккурномалар топширилади, мароқли суҳбатлар уюштирилади.

— Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи билан безатилган колоннада йўлга чиққан автотарғибот юриши иштирокчилари Хўжаобод, Қўрғонтепа туманлари ва Хонобод шаҳридаги автомобиль мактабларида ҳам бўладилар, — дейди Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши раиси ўринбосари Раҳмонжон Мадраҳимов. — Фахрийлар курсантлар ва шу ҳудудда яшовчи ёшлар билан учрашиб, ўзларининг иккинчи жаҳон уруши даридаги жанговар ҳаракатлари ҳақида сўзлаб берадилар. Ёшлар йилида оммавий ватанпарварлик ғоялари тарғиботи билан астойдил шуғулланаётган ташкилотимиз ходимлари ушбу автоюриш пайтида тадбирдан кўзланган мақсадга эришадилар, деб ўйлайман.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1999 йилдан 9 майнинг Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланиши юртимизда инсон манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг амалдаги ифодасидир.

ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

"Нуроний" жамғармаси марказий кенгаши раиси Эркин Боқибоевнинг айтишича, ушбу жамоат ташкилоти томонидан мазкур санага тайёргарлик кўриш ва уни юксак савияда ўтказиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Юртбошимизнинг шу йил 24 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони дастуриламал бўлмоқда. Фармонда жамғарма зиммасига ҳам муҳим вазифалар юкланган.

Жамғарма томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар, ҳокимлик ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўқув муассасалари, маҳаллалар ва корхоналарда фахрийлар иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари, адабий кечалар ташкил этилмоқда. Бунда уруш қатнашчилари ва ногиронлари, ҳалок бўлган жангчилар оилалари ҳамда ўзгалар ёрдамига муҳтож кексаларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга қаратилган тадбирларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртимизда 3 миллионга яқин пенсионер, шу жумладан, қарийб 16 минг нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногирони, 200 минг атрофида фронт орти меҳнат фахрийси истиқомат қилади.

Президентимизнинг 2006 йил 7 сентябрда қабул қилинган «2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори жамғарма фаолиятида муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мазкур дастурда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш, турмуш даражасини ошириш, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ва янги технологияларни жорий этиш асосида уларнинг ижтимоий таъминотга бўлган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш лозимлиги таъкидланган.

Бу борада жамғарма томонидан ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш бўйича қатъий чоралар кўрилиши лозимлиги таъкидланган. Жорий йилда ёлғиз кексаларнинг 26 минг нафари диспансер кўригидан ўтказилди. Даволанишга муҳтож юзлаб ёлғиз кексалар даволанди. Тошкент шаҳридаги "Нуроний" геронтология марказида мамлакатимизнинг турли минтақаларидан келган қарийб 1,2 минг фахрий даволашнинг янги геронтологик усулидан фойдаланган ҳолда ўз соғлиғини тиклади, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларга бюджет маблағлари ҳисобидан 32 миллион сўмлик ва ҳомийлар ҳисобидан 43,2 миллион сўмлик дори-дармон олиб берилди.

Ҳудудий дастурларга мувофиқ, кўплаб ёлғиз кексаларнинг уй-жойи таъмирланди. Ёрдамга муҳтож оилаларга иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан микрокредитлар ажратилди. Ногиронлар учун қарийб бир ярим мингдан зиёд иш ўрни барпо этилди.

Бундай хайрли ишлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари, маҳаллий ҳокимликлар, Хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Меҳр нури» жамғармалари ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда.

Фахрийларимиз жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этмоқдалар. Жумладан, ёшлар ўртасида миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда кекса авлод вакилларининг ҳаётий тажрибасидан унумли фойдаланиляпти.

Ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган миллий ҳамда умуминсоний қадриятларимизга ҳурмат, она-Ватанга ва халқимизга меҳр-муҳаббат, келажакка ишонч руҳида тарбиялашда кўпни кўрган фахрийларимизнинг бой ҳаётий тажрибаси фойдали бўлмоқда.

Турсунбой БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

Сирдарё вилояти

ЮРТГА ФИДОЙИЛАР АВЛОДЛАР ЭҲТИРОМИГА ЛОЙИҚ,

Мамлакатимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами, инсонларнинг ўзаро эҳтироми, меҳр-оқибати намунаси сифатида нишонлаб келинмоқда. Бу кун тинчлик-осойишталик, эл равнақи йўлида фидойилик билан меҳнат қилаётган замондошларимизга эҳтиром кўрсатилади, ўтганлар хотирланиб, ҳақларига дуолар қилинади.

Иккинчи жаҳон урушида 15252 нафар сирдарёлик қатнашган бўлиб, улардан тўрт ярим минг нафарга яқини ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган. Мислсиз жангу жадалларда жасорат ва матонат кўрсатган Турғун Аҳмедов, Жўрахон Усмонов, Елена Стемпковская, Михаил Тумакшин, Николай Ильченко, Александр Сидоров, Вольфас Виленский, Василий Корнейко, Иван Горбунов, Фёдор Нижурин, Андрей Шчукин, Николай Свинарчук каби сирдарёлик жангчилар номи абадийлаштирилган. Сирдарёликлардан Николай Свинарчук Белорусдаги Брест шаҳрининг, Турғун Аҳмедов Литвадаги Атетус шаҳрининг, Мирзаали Мингбоев Польшадаги Келце шаҳрининг фахрий фуқароси ҳисобланишади.

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан бир гуруҳ нуроний кексалар учун зиёратгоҳ масканларга, мустақиллик йилларида ўзгача чирой очган қадимий шаҳарларимизга саёҳатлар уюштирилиши фахрийларимизга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ифодасидир.

Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик доирасида маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилик иштирокида қабристонларни тартибга келтириш, гузарларни, майдон ва хиёбонларни ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқдаки, бу тадбирларда барча ташкилот ва муассасалар, меҳнат жамоалари иштирок этаётгани аҳамиятлидир.

Хусусан, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари туман ва шаҳар бўлинмалари томонидан «Камолот» ЁИҲ вакиллари билан ҳамкорликда ўқув юртларида, маҳаллаларда икки авлод учрашувлари ўтказилмоқда.

Бугунги кунда ҳам ижтимоий фаол фуқаролар сафида туриб, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Қаршибой Сатторов, Рифат Тўқаев, Рашид Давлатов, Икром Ёров, Яҳёхон Шарипов, Товбой Сатторов, Хайрулла Сайфуллин, Худойназар Эрназаров каби уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларининг фидойилиги нафақат ёшларга, балки катталарга ҳам ўрнакдир.

Вилоятимизда уруш қатнашчилари, шу жумладан, афғон уруши иштирокчилари, меҳнат фахрийлари, Мирзачўлни ўзлаштиришда фаол иштирок этган ҳамюртларимизнинг мустақиллик йилларида юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётгани, айниқса таҳсинга сазовордир.

Ҳозирги кунда вилоятимизда 264 нафар уруш қатнашчиси ва ногирони, 4 минг нафардан ортиқ меҳнат фахрийси истиқомат қилади. Уларнинг ҳар бири нафақат ўз оиласи, авлодларининг ифтихори, балки ўзи яшаётган маҳалласи аҳли, ҳамшаҳарларининг ҳам ҳурмат-эҳтиромига муносиб инсонлар ҳисобланишади. Бу инсонларга эҳтиром кўрсатилиши борасида ҳукуматимиз, шахсан Юртбошимиз томонидан яратилаётган шарт-шароитлар самараси ўлароқ, фахрийларнинг барчасига моддий, маънавий, тиббий ёрдам кўрсатиляпти. Бу соҳада барча корхона, ташкилот, муассасаларнинг, жумладан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ташкилотлари, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, шаҳар ва туман ҳокимликлари, шунингдек, маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинларининг ўзаро ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари яхши самара бермоқда.

Холикул САЛИМОВ,
«Нуроний» жамғармаси Сирдарё вилояти бўлими раиси ўринбосари.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан спортнинг бир қанча турлари бўйича юртимиз довруғини дунёга таратган фахрий спортчилар, спорт мураббийлари ва мутахассислари пойтахтдаги муҳташам «Жар» спорт мажмуасида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ташкил этилган тантанали байрам тадбирига таклиф этилиб, махсус совға-саломлар билан тақдирландилар.

СУРАТДА: *Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири Рустам Қурбонов фахрий спортчи, машҳур футболчи Марат Кабаевнинг отаси ва дунёга таниқли бадиий гимнастика устаси Алина Кабаеванинг бобоси Вазих Кабаевга совға топширмоқда.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Жасорат ҳақида донолар фикри

Жасорат қолган барча эзгу фазилатларнинг посбони ва таянчидир. Кимки бу сифатдан маҳрум экан, ўз бурчини қатъийлик билан бажариш ҳамда чин инсонга хос барча яхши фазилатларни намойиш этишдан ожиз қолади.

Жон ЛОКК

Уруш ёвузликдир. Адолатсизлик ва зўравонлик унга доимо ҳамроҳ. Аммо виждонли одам урушда ҳам муайян қоидаларга амал қилади, пасткашлик ва жиноят йўли билан қўлга киритиладиган ғалаба кетидан қувмайди.

ПЛУТАРХ

ЖАСОРАТЛИ ОТАХОН «ЖАСОРАТ»ни ҚАДРЛАЙДИ

Сурхондарё вилояти

... Раҳим ота саксон уч ёшини оиласи даврасида байрам қилар экан, фарзандлари, невара ва эвараларига боқиб қувонди, ғурурланди. Олти нафар ўғил, икки нафар қиз, ўттиз нафарга яқин невараю эвара! Фарзандлари жамиятнинг турли жабҳаларида эл-юрт равнақи йўлида меҳнат қилмоқдалар.

Қувонмай, ғурурланмай бўладими, ахир ўзи иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлиши, ном-нишонсиз кетиши мумкин эди-ку! Унга ўхшаган миллионлаб нафар ёш, навқирон, ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини татимай, уруш туфайли дунёдан бевақт ўтиб кетганларнинг яшаш, болали, неварали бўлиш орзуси йўқмиди?!

... У 1942 йилнинг декабрь ойигача Бойсун туманидаги 5-сонли мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1943 йил бошида фронтга жўнатилди. 1944 йилда фронтдан мажруҳ бўлиб қайтгандан сўнг, 1944-1956 йиллар Бойсундаги 5-сонли мактабда математика фани ўқитувчиси ҳамда илмий мудир бўлиб ишлади. «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвонларига сазовор бўлди. Ўнлаб унвон ва жанговар нишонлари орасида, айниқса, Президентимиз Ислом Каримов томонидан топширилган «Жасорат» медалини отахон алоҳида қадрлайди.

— Бу медал мустақиллигимиз рамзларидан бири, шунинг учун бошқаларидан азизроқ, дилга яқинроқ, — дейди у.

Раҳим ота уруш йилларини хотирлар экан, Аллоҳга шукроналар келтиради. Жанггоҳдан соғ-омон қайтгани, шунча ўғил-қиз, невара-эвара кўргани, гўзал, обод ва озод юрт — Ўзбекистонда яшаётгани, тўкин ва осойишта ҳаёт кечираётгани учун шукрона айтиш керак, дейди у доимо. Отахон ҳар йили Хотира ва қадрлаш кунида фарзандлари ва невараларини олиб, қабристонга зиёратга боради. Ўтганларни эслайди, хотирлайди...

Эркин МУҚИМОВ,
«Mahalla» мухбири.

Навоий вилояти

Янги йўналишда бепул қатнов

зарафшонлик фахрийлар ва эҳтиёжманд инсонлар учун қулайлик яратмоқда

Хотира ва қадрлаш куни арафасида Зарафшон шаҳрида жорий йилда амалга оширилиши режалаштирилган хайрли тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур тадбир уруш ва меҳнат фахрийлари, қолаверса, барча зарафшонликларнинг ҳаётида унутилмас воқеа бўлди.

Зарафшон шаҳар халқ депутатлари Кенгаши ва Марказий руда бошқармаси хайрия жамғармаси Васийлик Кенгашининг ҳамкорликдаги қарори асосида шаҳардаги уруш ва меҳнат фахрийлари, пенсионер ва ногиронлар учун махсус автобус йўналиши хизмати йўлга қўйилди.

Шу муносабат билан шаҳар жамоатчилиги иштирокида ўтган тадбирда шаҳар ҳокими А.Умаров ва Марказий руда бошқармаси директори, Сенатор А.Кустовлар сўзга чиқиб, уруш ва меҳнат фахрийлари учун махсус бепул транспорт хизматининг йўлга қўйилиши бу борадаги хайрли ишларнинг дебочаси эканини таъкидладилар. Шу куни фахрийларга Президентимиз Фармонига асосан белгиланган пул маблағларидан ташқари, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармаларининг шаҳар бўлинмалари, турли корхона ва ташкилотлар томонидан қўшимча пул маблағлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа совғалар топширилди.

— Мазкур йўналишнинг чизмаси уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда ногирон фуқароларнинг яшаш манзилларини ҳисобга олган ҳолда тузилган, — дейди Марказий руда бошқармаси директори ўринбосари В.Юдин, — бунинг учун бошқармамизга қарашли 9-сонли автобазадан янги "ISUZU" русумли автобус ажратилди. Бундан ташқари, ушбу автобус хизматидан нафақат фахрийлар, балки шаҳримизда истиқомат қилувчи кам таъминланган оилалар аъзолари ҳам фойдаланишлари мумкин. Шу боис, автобуснинг олд қисмига катта ҳарфлар билан "Халқ йўналиши" деб ёзиб қўйилган. Автобус қатнови ҳар куни соат 9 дан 18 гача амалга оширилади. Ўйлаймизки, бу ўз навбатида қариялар ва ногиронларнинг дорихона, шифохона ёки бошқа юмуш бўйича шаҳарда юришлари учун қулайлик яратади.

К.САНСЫЗБАЕВ,
"Маҳалла" жамғармаси Зарафшон шаҳар бўлинмаси раиси.

УСТОЗИМИЗ БЕРГАН САБОҚ,

Тошкент шаҳри

...Ўқитувчиларимиздан бири Ражаб Тоғаев иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси эди. Биз ундан жанговар воқеалардан ҳикоя қилиб беришини сўрайвериб ҳоли-жонига қўймас эдик. Ҳар сафар ҳикоясини бошлашдан аввал у киши чуқур уҳ тортиб қўярди. Биз эса болаларча қизиқувчанлигимиз билан у кишини аччиқ хотиралар гирдобига солаётганимизни англамасдик. Кўпчилигимиз айнан шу ўқитувчимизга ҳавас қилиб, педагог бўлишни дилимизга тугиб қўйгандик ўшанда.

Ражаб Тоғаев жанг тафсилотларини ҳикоя қилиб берар экан, ҳикоя сўнгида:

— Болалар, сиз ҳали ёшсиз, кўп нарсаларни ҳозирча англамайсиз. Тинчлик — бу дунёдаги энг улуғ неъмат, катта бахт. Шу гапимни умрбод эслаб қолинглар! — дерди.

Ражаб ака уруш ҳақидаги ҳикояларини бошлаганда, синфга пашша учса сезилгудек жимжитлик чўкар, у эса кўзини синф дерзасидан ташқарига тикканча оҳиста сўзлар эди:

"...1943 йилнинг баҳори. Душманнинг зарбаси анча сусайган. Ротамиз ўрмон ичида вақтинчалик ўрнашган бўлиб, жангчилар дам олишар эди. Кимдир яқинларига ҳат ёзади, кимдир қуролини созлайди. Биз — уч-тўрт нафар аскар суҳбатлашиб ўтирардик. Аскарлар ота маконини жуда соғинганидан ҳар бири ўз туғилган диёрини мақтай бошлади. Навбат менга етганда, Ўзбекистоннинг серқуёшлиги, бу ерда пишиб етиладиган мева ва сабзавот, бошқа неъматлар ҳақида сўзладим. Шимолий ўлкада туғилиб ўсган бир сафдошим:

— Менимча, Ражаб ҳаммамизни лақиллатиб, лоф уряпти-ёв, — деб сўзларимга шубҳа билдирди.

Рота командиримиз суҳбатимизни тинглаб турган экан, суҳбатга қўшилди:

— Ражаб жуда тўғри айтяпти. Бу жаннатмакон ўлка, унинг меҳнаткаш кишилари ҳақида мен ҳам эшитганман. Бугун матбуотда ўқидим, бир ўзбек отахони бор пулини танк ясаш учун заводга жўнатибди ва «Шу танкни ўғлим жанг қилаётган қисмга юборинглар» деб илтимос қилибди. Жангчиларимизга жўнатилаётган иссиқ кийимлар, озиқ-овқатларнинг кўп қисми Ўзбекистондан келтирилаётир. Бундан ташқари, фарзандларимизни ўзбекистонликлар бағрига олиб, тарбиялаётгани учун уларнинг тақдиридан бироз бўлса-да хотиржаммиз.

Мен бу мақтовлардан руҳланиб, Ўзбекистоннинг мафтункор баҳори ҳақида тўлибтошиб ҳикоя қила бошладим. Тўсатдан отилган ўқ овози суҳбатимизга нуқта қўйди. Барчамиз саросимага тушиб қолдик, чунки бу ерга жойлашганимиздан душман бехабар эди. Ўқ овозлари бироз тингач, барча командирлар кенгашиб, яқин орада жойлашган Берёзовка қишлоғига разведкага бориш керак, деган қарорга келишди. Бу топшириқ мен билан яна уч нафар жангчига юкланди. Разведка гуруҳига мен бошчи эдим. Коронғи тушгач, йўлга тушдик. Қишлоқ сув қуйгандек жим-жит. Чеккадаги уй деразасини аста тақиллатдик. Ичкаридан бир киши чиқди. Мақсадимизни билгач, ичкарига кирилди.

Уй эгаси соч-соқоли оқарган, ҳаракатчан чол экан.

— Мени ҳамма қишлоқда Степан бобо дейди. Лаънати фашистлар ҳаммани қақшатиб кетяпти. Улар одамларни қаҳратонда ўтин кесишга мажбур қилишди. Совуқ забтига олган, шўрлик аёллар, қари-қартанглар қийналиб кетишди, айниқса, болаларга жуда қийин бўлди. Ишдан бош тортганларни отиб ташлайверишди. Бир-икки одам уларга сотилган эди, фрицлар қишлоқдан чиқиб кетиши билан улар ҳам ғойиб бўлишди. Лекин уйларига кечаси келиб туришса керак, чунки кеча эрталаб Фёдорнинг уйи олдида бир одам шарпасини кўрган эдим. Ўзига ўхшатдим-да, яқинроқ бориб чақирсам, ўрмонга қараб тез юриб кетди. Бу Фёдор деганим, сотқинларнинг бири, ўшанинг уйи атрофини синчиклаб текшириб кўринглар...

Степан бобоникидан чиқиб, Фёдорнинг уйи томон йўл олдик. Тўсатдан қилинган ташриф уй бекасини саросимага солиб қўйди. У гоҳ болалар ётган хонага, гоҳ қазноққа чиқиб-кирар, лекин ҳеч нарса гапирмас эди. Шубҳали нарса тополмай, Степан бобоникига қайтдик. Бобо кўзларини муғомбирона қисиб, бир пас ўйга толди-да, «Қазноқни текширдиларингми? Қазноқ ичида ертўлага тушадиган эшик бор, бу эшик болалар ётадиган хонадаги кароват тагида жойлашган махсус мослама бўралса, очилади», деди.

Дарҳол орқага қайтдик. Бу сафар уй бекаси эшикни очишдан бош тортди. Эшикни бузишга мажбур бўлдик.

Ертўла эшигини очган эдикки, пастдан кимдир ўқ узди. Чап қўлимга тегди. Лекин барибир хоинни қўлга олдик. Ертўлада рация, ўқ солинган қутилар, қўл пулемёти бор экан. Хоиннинг чўнтагидан махсус чизилган харита чиқди, харитада душман эгалламоқчи бўлган позициялар кўрсатилган эди. Ротамиз жойлашган жой ҳақида душманга хабар берган ҳам Фёдор экан..."

Кейин билишимизча, хоинни тутиб келгани учун Ражаб ака жанговар орден билан тақдирланган экан.

Устоз ҳозир орамизда йўқ. Аммо биз синфдошларимиз билан ҳар сафар йиғилганимизда албатта у кишини ёдга оламиз.

Собиржон БЎЗИЕВ,
Учтепа туманидаги Бирлик маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

Мўъжизакорлар юрти

Қашқадарё вилояти

АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК АНЪАНАЛАР

«Асрлар садоси» фестивали давомида яна бир карра қадр топди

Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган «Асрлар садоси» фестивалини ўтказиш учун Китоб туманидаги Қоратепа қишлоғининг танлангани бежиз эмас. Чунки Зарафшон тоғ тизмалари этагида жойлашган бу қишлоқнинг табиати гўзал, аҳолиси миллий урф-одат ва қадриятларимизни эъзозлаб келмоқда.



Сайилга юртимизнинг турли бурчакларидан ва хорижий мамлакатлардан меҳмонлар, халқаро ташкилот ва дипломатик корпус вакиллари, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик ташкилотлари ходимлари ташриф буюришди. Қир-адирлар устига тикилган 50 дан зиёд ўтовда моҳир ошпазлар тайёрлаган миллий таомлар, ширмой, гижда, патир нонлар меҳмонларга тортиқ этилди.

Фестивалда вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда қўшни давлатлардан келган санъаткорлар, фольклор дасталари, миллий либослар бўйича дизайнерлар, халқ амалий санъати усталари, ошпаз ва чавандозлар иштирок этишди.

Дастур доирасида ўтказилган миллий либослар фестивалида ёш дизайнерлар миллий матолар ва дизайннинг анъанавий услубларидан фойдаланган ҳолда «Этно» русумидаги тўпламлари билан қатнашдилар. Унда 77 та либосдан иборат 10 та тўплам намойиш этилди.

Халқимизнинг анъана ва удумлари, халқ амалий санъати намуналари, урф-одатлари, қадриятларини эъзозлаш ва уларни асраб-авайлаш, тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган фестивални Шаҳрисабзда Амир Темур томонидан бунёд этилган Оқсаройдаги туялар карвони ва карнай-сурнай садолари бошлаб берди.

Фестиваль дастуридан фольклор дасталарининг чиқишлари, бахшилар беллашуви, концерт ва шоу дастурлар, амалий санъат кўргазма-ярмаркаси, миллий либослар ва ошхона анъаналари намойиши, улоқ-кураш ва бошқа халқ ўйинлари ўрин олди. Аҳамиятли томони шундаки, мазкур фестиваль халқ сайли тарзида ўтказилди.

Кулолчилик, мисгарлик, каштачилик, зардўзлик, миниатюра, тўқимачилик, ёғоч ўймакорлиги, миллий қўғирчоқлар ясаш каби йўналишларда тайёрланган буюмлар эса амалий санъат кўргазмасидан жой олди. Шунингдек, турли мавзуларда ташкил этилган викторина ва беллашувлар, дорбозларнинг чиқишлари, кўпкари, қўчқор ва хўроз уриштириш ўйинлари ҳам сайил иштирокчиларига манзур бўлди.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Р.ШАГАЕВ** (ЎзА) **олган суратлар.

2008 йил — Ёшлар йили

Хоразм вилояти

"ШУ АЗИЗ ВАТАН – БАРЧАМИЗНИКИ!"

Хива шаҳрида "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида "Аёллар ва ёшлар — гиёҳвандлик, жиноятчилик ҳамда терроризмга қарши" шиори остида бўлиб ўтган "Шу азиз Ватан — барчамизники!" мавзусидаги форум тадбир иштирокчилари қалбида Ватанга муҳаббат туйғусини янада жўш урдириб юборди.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Республика Ички ишлар ва Мудофаа вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Республика Бош прокуратураси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамда "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирнинг мустақил мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва фаровонликни барқарорлаштириш борасида муҳим аҳамиятга эга эканлиги яққол намоён бўлди.

Республика Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова, вилоят ҳокими О.Оллаберганов, Хива тумани ҳокими Д.Аллақулиевлар ўтказилаётган ушбу тадбирнинг мақсади миллатлараро дўстлик ва тинчлик-тотувликни мустаҳкамлашга, озод ва обод Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида фидойилик намуналарини кўрсатишга, айниқса, бу борада ёшлар фаоллигини оширишга қаратилганлигини таъкидлаб ўтишди.

— Биз ёшлар буюк аждодларимизга муносиб авлодмизми, улар қолдириб кетган бой меросни асраб-авайлашга, бойитишга қодирмизми? Мустақил юртимизда яратилган шарт-шароитлар, кўрсатилаётган ғамхўрликларга жавобан нималар қилишимиз лозим? Шаҳримизда бўлиб ўтган мазкур форум барча тенгдошларимни ана шундай саволларга жавоб топишга, мамлакатимизнинг фаол ёшлари бўлишга ундади, — дейди Хива туманидаги 11-сонли мактаб ўқувчиси Матлуба Эгамберганова.

Форумнинг бадиий қисми юксак савияда ўтди. Шаҳар марказий ўйингоҳини тўлдирган ўсмир-ёшлар санъаткорларнинг чиқишларига жўр бўлишди. Ёшлар томонидан куйланган қўшиқларда Ватанга садоқат, меҳр-муҳаббат туйғулари тараннум этилди. Гиёҳвандлик аср вабоси, жамиятимизга ёт иллат эканлиги саҳна чиқишларида намойиш қилинди.

— Форумда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари ҳам иштирок этди, — дейди "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси Рустам Қутлимуродов. — Тадбирда бир гуруҳ маҳалла фаоллари тақдирланди. Айтиш жоизки, мазкур анжуманда таҳлил қилинган ютуқ ва камчиликлар бевосита бизнинг фаолиятимиз билан боғлиқ. Шу боис, анжумандан олинган таассуротлар ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини янада жўшқинроқ фаолият кўрсатишга даъват этади.

Тадбир сўнгида ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда ўрнак кўрсатаётган бир гуруҳ хотин-қизлар, "Шу азиз Ватан — барчамизники!" мавзусида ўтказилган иншо ва расмлар танлови ғолиблари тадбир ташкилотчиларининг фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Ушбу мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. «Ёшлар сиёсати амалга оширилишини такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзи тарғиботи».

Фарғона вилояти

ТАБАССУМда КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН ТАДБИР

Дунёда гўдак кулгусидан лаззат туймайдиган, унинг шодлигига шерик бўлолмаган инсонни том маънода жоҳил инсон, десак, хато бўлмаса керак.

Донишманд халқимизнинг «Болали уй — бозор, боласи уй — мозор» деган пурмаъно ҳикмати унинг қанчалик болажонлигига ишора. Айниқса, мустақиллик йилларида, шахсан Юртбошимиз раҳнамолигида келажагимиз ворислари бўлган ёш авлод тарбиясига, камолотига нисбатан алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётгани кўз ўнгимизда. Жорий йилнинг Ёшлар йили деб аталиши муносабати билан бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз янада қизғинлик, кенгқамровлилик касб этмоқда.

Фарғона шаҳри Қиргули мавзесида жойлашган 63-мактабгача таълим муассасаси ҳудуддаги энг илғор ва намунали таълим-тарбия масканларидан ҳисобланади.

— Муассасамизда 207 нафар бола тарбияланади, — дейди муассаса раҳбари Васфия Арабажиева. — Боғчамизда 12 та гуруҳ мавжуд бўлиб, кичкинтойларга 70 нафар малакали тарбиячи ва ходимлар тарбия беришмоқда. Муқаддам Саидова, Неля Гончарова, Ирина Нестерова, Одина Ғофурова, Назира Газизова, Элзира Пўлатова, Римма Мўйдинова сингари меҳрибон тарбиячи-мураббийлар ҳамда шифокорларимиз кичкинтойларимиз қалбига йўл топа билган мутахассислар саналади. Муассасамизда болажонларнинг соғ-саломат ўсиши, замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи маъмурияти ҳомийлик ёрдамини аямай келмоқда.

Ҳудуддаги Табассум маҳалласи фуқаролар йиғини ҳам ушбу муассасанинг бевосита ҳамкорига айланган. Яқинда муассаса ва маҳалла йиғини ҳамкорлигида «Болаларга беринг дунёни!» шиори остида бадиий-маърифий кеча ташкил этилди. Йиғин раиси Ҳамро Жумаевнинг таъкидлашича, бу каби тадбирларни ўтказиш ўзига хос анъанага айланган.

— Муассасанинг фаолиятида энг ибратли жиҳат, бу тарбияланувчиларнинг ота-оналари, жамоатчилик, ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғини билан яқин алоқа ўрнатилганидир, — дейди диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси Марғуба Сотволдиева.

Тадбирда муассасада тарбияланаётган болаларнинг ота-оналари, маҳалла фаоллари қатнашдилар. Кичкинтойлар ижросидаги қўшиқ-рақслардан завқланмаган киши бўлмади. «Орион» савдо мажмуаси томонидан музқаймоқ сайли уюштирилди. Шаҳардаги 4-маданият уйига қарашли «Нафосат» ва «Тарона» гуруҳлари санъаткорларининг концерт дастури тадбирга янада байрамона руҳ бағишлади.

Алижон МИРЗАБОЕВ

СУРАТДА: *муассасанинг 1-тайёрлов гуруҳи тарбиячиси Элзира Пўлатова* болажонлар даврасида.

Шерзод ҚОРАБОЕВ олган сурат.

Спорт

ЖАМОАЛАРИМИЗ КУЧЛИЛАР САФИДА

Германиянинг Висбаден шаҳрида жойлашган Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) дунёдаги энг кучли 350 футбол жамоасининг янги рейтинг жадвалини эълон қилди.

Унга кўра, Осиё чемпионлар лигаси ва Ўзбекистон миллий чемпионатида муваффақиятли иштирок этаётган Тошкентнинг "Пахтакор" ва "Қурувчи" жамоаларининг рейтинги жадал ошиб бормоқда.

Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони - "Пахтакор" янги жадвалда саксон бир поғона юқорилаб, 133-ўринда қайд этилди. Осиё чемпионлар лигасининг "А" гуруҳида ва миллий чемпионатимизнинг олий лигасида пешқадамлик қилаётган "Қурувчи" футболчилари эса рўйхатда 110 қаторга кўтарилиб, 147-поғонадан жой олди.

Умумий рейтингда эса Англия вакиллари - "Манчестер Юнайтед", "Челси" ҳамда Испаниянинг "Барселона" жамоаси кучли учликни ташкил қилди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссияси фаолияти тўғрисида НИЗОМ

Ушбу Низом "Фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссияси (бундан буён "Ёшлар комиссияси" деб юритилади) Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари, ёшлар қатламларининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда улар ўртасида маънавий-маърифий, тарбиявий, ижтимоий, экологик ишларни олиб бориш мақсадида тузилади.

1.2. Ёшлар комиссиясига комиссия раиси раҳбарлик қилади.

1.3. Ёшлар комиссияси сони ва таркиби фуқаролар йиғинларида истиқомат қиладиган ёшлар сонидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади ҳамда унинг раиси ва аъзолари фуқаролар йиғини томонидан сайланади. Комиссия таркибига фуқаролар йиғинлари ҳудудида истиқомат қиладиган 30 ёшгача бўлган ўқувчи, талаба, ишчи-хизматчи, маданият ва спорт ҳамда бошқа турли соҳаларда фаолият юритадиган ёшлар киритилади.

1.4. Тарбияси оғир ва ўқув муассасаларида фанларни ўзлаштиришдан ортда қолаётган ўғил-қизларни касб-ҳунарга, тўгараклларга ва оммавий спортга жалб қилиш ишларида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, ўқув ва таълим муассасалари раҳбарияти билан ҳамкорлик ва ахборот алмашинувини йўлга қўяди.

1.5. Комиссия маҳалла ҳудудида истиқомат қиладиган етакчи, фаол, иқтидорли, жисмонан соғлом, маънан етук, ўзининг ҳаётий эътиқоди ва қарашларига, юксак инсоний ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган намунали ёшлар билан бир қаторда носоғлом муҳит юзага келган, нотинч оилалар фарзандлари, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлган йигит-қизлар билан тарбиявий-тушунтириш ишларини олиб боради.

1.6. Ёшлар комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ёшларга оид қонунлар, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга, маҳаллий ҳокимият органларининг қарор, фармойишларига ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

II. Ёшлар билан ишлаш комиссиясининг вазифалари, фаолиятининг асосий йўналишлари, иш усуллари

2.1. Ёшлар билан ишлаш комиссиясининг вазифалари.

2.1.1. Ёшларни Ватанимиз, халқимиз, миллатимиз, миллий қадриятларимиз, тарихий-маънавий меросимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш, ёшларнинг жамоат ишларида фаоллигини ошириш.

2.1.2. Ёшларнинг истеъдод ва иқтидори ҳамда қобилиятларини намоён этишига кўмаклашиш, уларнинг дунёқараши, онгига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли иллатларнинг олдини олиш.

2.1.3. Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий онгини, маънавий-маърифий билим савиясини ошириш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш, ёшларни қатъиятли, миллий қадриятларимизга ҳурмат, ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат руҳида тарбиялаш.

2.1.4. Ёшларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш мақсадида жисмоний тарбия, спортнинг оммавий ва миллий турлари бўйича мусобақа ва турнирлар ўтказиш.

2.1.5. Ёшларнинг ижтимоий бандлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, банд бўлмаган ёшлар қатламини фойдали меҳнатга жалб этиш. "Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази"да ўқитиб, касб-ҳунарга ўргатишда яқиндан ёрдам кўрсатиш.

2.1.6. Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, она Ватанни ҳимоя қилиш муқаддас бурч эканлигини ёшлар онгига сингдириш.

2.1.7. Ёшларнинг тиббий билим ва маданиятини ошириш, уларни келажак турмуш ҳаётга тайёрлаш.

2.1.8. Фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи носоғлом муҳит юзага келган ёш оилаларни аниқлаш.

2.1.9. Ички ишлар идоралари ҳисобида турган, мунтазам равишда ҳуқуқбузарликлар содир этувчи ёшлар билан профилактик иш олиб боришда иштирок этиш.

2.1.10. Ёшларнинг диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолиши ва миссионерлик ҳаракатига қўшилишининг олдини олиш.

2.2. Комиссия фаолиятининг асосий йўналишлари.

2.2.1. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини, ёшлар қатламларининг талаб ва эҳтиёжларини, миллий таркибини ҳисобга олган ҳолда улар ўртасида маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш.

2.2.2. "Маҳалла" жамғармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ишлаб чиқилган ёшларга оид дастурлар ҳамда чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш.

2.2.3. Ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига эътиборни кучайтириш, улғаяётган ёшлар шуурида ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, эл-юрт шаънини ардоқлаш каби улуғвор фазилатларни камол топтириш.

2.2.4. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ва кўнгилли ташкил этиш ҳамда ижтимоий фойдали меҳнат билан бандлик масалаларини ўрганиб бориш.

2.2.5. Ҳуқуқбузарлик содир этувчи, ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этишга мойил вояга етмаганлар билан олиб бориладиган ҳуқуқий-тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш.

2.2.6. Ҳудуддаги ёшларга оид масалалар бўйича мавжуд муаммоларни бартараф этишда "Маҳалла" жамғармасининг ҳудудий бўлим ва бўлинмаларига ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳудудий бўлим кенгашларига таклифлар билан мурожаат этиш.

2.3. Комиссия фаолиятининг иш усуллари.

2.3.1. Ёшларнинг дунёқараши, онгига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли иллатларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

2.3.2. Ёшларнинг яшаш тарзини, моддий шароити ҳамда дунёқарашини, оила, меҳнат ва ўқув маскани жамоаси аъзолари билан муносабатларини ўрганиб чиқиш.

2.3.3. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда ва спортни оммалаштириш учун зарур шароит яратишда бевосита иштирок этиш. Бунёд этилган спорт иншоотлари, болалар спорт майдончаларидан самарали фойдаланиш.

2.3.4. Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ва мутаассибликнинг олдини олиш ва турли иллатлар таъсирига тушиб қолган ёшлар билан якка тартибда ишлаш, индивидуал суҳбатлар ўтказишда маҳаллада истиқомат қилувчи кўп йиллик ҳаётий тажрибага эга, билим ва салоҳияти юксак инсонлар билан ҳамкорлик фаолиятини олиб бориш.

2.3.5. Ватанни ҳимоя қилиш муқаддас бурч эканлигини ёшлар онгига сингдириш мақсадида тарғибот ишларини олиб бориш, шунингдек, ҳудудлардаги ҳарбий қисмлар раҳбарияти билан келишилган ҳолда ёшларнинг экскурсияларини ташкил этиш.

2.3.6. Ёшлар ўртасида мутахассислар, шифокорлар иштирокида турли давра суҳбатлари ва тушунтириш ишларини олиб бориш.

2.3.7. Ёшларнинг иш, ўқиш, яшаш тарзи тўғрисида маълумотлар тўплаш ҳамда маълумотлар базасини яратиш.

2.3.8. Ёшларнинг ўқишдан орқада қолмасликларига ёрдам бериш мақсадида маҳалладаги фаол ёшларни уларга бириктириб, жамоат ишларига жалб этиш. Зарур ҳолларда уларнинг оила аъзолари, маҳалланинг фаол ёшлари иштирокида муҳокама қилиш чораларини кўриш орқали кенг жамоатчилик таъсирини кучайтириш.

2.3.9. Фуқаролар йиғинида ўтказиладиган оммавий тадбирлар, ҳашарлар, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига ёшларни кенг жалб этишда фаоллик кўрсатиш.

2.3.10. Ҳудудий профилактика инспектори, "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси билан ҳамкорлик қилиш. Зарур ҳолларда ёшларнинг хулқ-атвори ва турмуш тарзини улар иштирокидаги мажлисларда муҳокама қилиш.

2.3.11. Ёшларни "Устоз—шогирд" анъанаси асосида касб-ҳунар ўрганишга жалб этиш. Ёшларнинг касаначилик билан шуғулланиши учун имкониятлар яратишга, шунингдек, имконияти чекланган ёшларга қобилиятларига яраша ҳунар ўргатишга ва уларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш.

2.3.12. Ёшларнинг турли мутаассиблик оқимлари таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида диний идоралар вакиллари, масжид имом-хатиблари иштирокида давра суҳбатлари ва тушунтириш ишларини олиб бориш.

2.3.13. Маҳалладаги намунали ёшларнинг иш ва ўқишдаги фаолияти, маҳалланинг ижтимоий ҳаётида фаоллик билан иштирок этишини оммалаштириш мақсадида маҳаллий матбуотда мақолалар ва телевидениеда туркум кўрсатувлар ташкил этилишида иштирок этиш.

2.3.14. Ёшлар комиссияси фуқаролар йиғини ҳудудидаги корхона, ташкилот ва муассасалардаги "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари етакчилари билан ёшлар масаласига оид тадбирларни ўтказишда ҳамкорлик қилади.

III. Ёшлар билан ишлаш комиссияларининг мажбуриятлари

3.1. Ёшлар комиссияси ўз фаолиятини "Маҳалла" жамғармасининг туман(шаҳар) бўлинмалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳудудий бўлими кенгаши таклиф ва тавсияларини инобатга олган ҳолда фуқаролар йиғини раиси томонидан тасдиқланган йиллик иш режага биноан олиб боради.

3.2. Комиссия ўз фаолияти давомида фуқаролар йиғини ҳузуридаги бошқа комиссиялар ва ҳудуддаги ўқув муассасалари, шунингдек, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

3.3. Ёшларнинг ижтимоий ҳаётда таъсир кучи ҳамда ўрнини оширишда ўз ҳиссасини қўшади.

3.4. Ёшлар комиссияси аъзолари иш фаолияти жараёнида маҳалла ёшлари билан адолатли, холисона ва одоб-ахлоқ меъзонлари доирасида иш олиб боради.

3.5. Ёшлар комиссияси маҳалла ёшларининг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари поймол этилишининг олдини олишда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилади.

3.6. Ёшлар комиссияси ўз ишларини йилнинг ҳар чораги якунига кўра умумлаштириб, фуқаролар йиғини кенгашига ҳисобот беради ва бу тўғрисида "Маҳалла" жамғармасининг туман (шаҳар) бўлинмаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман(шаҳар) кенгашига ахборот бериб боради.

3.7. Ёшлар комиссияси ўз фаолияти давомида жамоатчилик ишларида ёшларнинг ташаббускорлиги, фаоллигини оширишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боради.

IV. Ёшлар билан ишлаш комиссиясининг ҳуқуқ ва ваколатлари

4.1. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кенгаш йиғилишларида иштирок этиб, ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш юзасидан таклифлар киритади.

4.2. Тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи ёшларнинг хатти-ҳаракатларини назорат қилади ва тарбиявий-тушунтириш ишларини олиб боришда "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси ва ҳудудий профилактика инспектори билан ҳамкорлик қилади.

4.3. Туман (шаҳар) вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ишида тегишли фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи айрим ҳуқуқбузарликларни содир этган вояга етмаганлар ишини муҳокама этишда иштирок этади ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради.

4.4. Комиссия томонидан зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда эътиборсизликка йўл қўйган ёки ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этган ёшларни масаласини фуқаролар йиғинига муҳокама этиш учун киритади.

4.5. Жамоатчилик ишларида фаоллик кўрсатган ёшларни рағбатлантириш тўғрисида фуқаролар йиғинлари кенгашларига таклифлар киритади.

Боқий анъаналар

ДУНЁГА МАШҲУР КАНДАКОР УСТА

Халқ ҳунармандчилиги намуналари бежизга санъат асарлари дея эътироф этилмайди. Ўзбекистон Бадиий Академияси ҳамда Ҳунармандлар уюшмаси аъзоси, фарғоналик кандакор уста Зокиржон Ғофуровнинг дурдона асарлари халқимизнинг ўзига хос миллий урф-одатлари ва менталитетини кўрсатувчи ноёб санъат намуналари сифатида нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда машҳур.

Қатор йиллар давомида турли нуфузли танловларда ғолиб бўлиб келаётган З.Ғофуровнинг асарлари хорижда ҳам ўз мухлисларига эга. Ўнлаб шогирдларга ўз ҳунари сир-асрорларини қунт билан ўргатаётган кандакор устанинг мўъжаз устахонасида тайёрланаётган асарлар кўплаб чет эл кўргазмаларида ҳам намойиш этиб келинади. Хусусан, шу кунгача устанинг ижод намуналари Россия, Қозоғистон, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Франция, Япония ва Болтиқбўйи каби давлатларда муваффақият қозонган. Шу билан бирга устанинг ўзбек миллий кандакорлик анъаналари асосида яратилган ўнлаб асарлари нусхалари юртимиздаги қатор санъат кўргазмалари, музейлар экспонатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаган.

— Келажакда амалга оширишни дилимга туккан ниятларим кўп. Аввало, устозим, машҳур кандакор уста Мақсуд Мадалиевдан ўрганган маҳорат мактаби сабоқларини ёшларга ўргатиш, янги-янги ижод намуналарини яратиб, кандакорлик шуҳратини янада юқори поғоналарга кўтаришни мақсад қилганман, — дейди Зокиржон Ғофуров. — Қолаверса, ўз тажрибаларимни фарзандларимга ўргатиб, оиламизда кандакорлик анъаналарини давом эттириш энг катта орзуимдир.

Муқимжон ҚОДИРОВ *(ЎзА)* **олган суратлар.**

СУРАТДА: *З.Ғофуров, ўғли Фирдавс ва рафиқаси М.Ғофурова.*



Тарих зарварақлари

МИНГ ОТЛИЛАР ШАҲРИ

Хоразм воҳасида илм-фан, маданият ва санъат қадимдан тараққий этган. Хусусан, X-XI асрларда аниқ фанлар яхши ривожлангани тарихий манбалардан маълум. Бу заминдан кўплаб олиму фузалолар, шоиру санъаткорлар, хаттотлар ва меъморлар етишиб чиққан. X асрда араб сайёҳи ал-Муқаддасий Хоразм ҳақида: «Бу ўлка кўп шаҳарларга эга, ободдир. Сон-саноқсиз уй-жойлар, туташ боғлар, дарахтзор ва экинзорлар, узум шарбати тайёрлайдиган қурилмалар, мева мўл, тижорат аҳлига мол-ҳол бемалол. Одамлари зукко-зийрак, билимдон, фиқҳни билишади, истеъдодли ва маърифатлидирлар», деб ёзади.

Қадимда воҳадаги шаҳарлар атрофи баланд ва мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Жумладан, Хива шаҳрининг 12 та дарвозаси бўлган. Дарвозалардан бири Ҳазорасп шаҳри йўналишида бўлгани сабабли шу шаҳар номи билан аталган. Соқчилар томонидан қўриқланган дарвозалар қоронғи тушиши билан ёпилиб, эрта тонгда очилган.

Тарихий манбаларда Ҳазорасп қалъаси «Қалъаи Сулаймон», «Муқаддас олов шаҳри» ёки «Минг от» қалъаси деб таърифланган. Шу билан бирга у отаппарастлик давридан ёдгорлик бўлган қадимий қалъа ҳамдир.

Ҳазорасп ҳозир Хоразм вилоятидаги шу номли туман маркази. Ҳазорасп сўзи «минг от» (ҳазор — минг, асп — от) маъносини билдиради. XIII аср араб географи Ёқут ал-Ҳамавий асарларида қайд этилишича, ўтмишда бу ерда қалъа бўлган. Қалъанинг бунёд этилиши тўғрисида турли афсона ва ривоятлар мавжуд. Академик Яҳё Ғуломов келтирган афсоналардан бирида айтилишича, қалъани баҳайбат дев қурган эмиш. Дев бу ерга сув ичгани келадиган қанотли 1000 та учар отни ҳийла билан тутиб олади. Уларнинг қанотини кесиб, қўлга ўргатади. Ҳазорасп номи ана шундан келиб чиққан экан. Академик Абдулаҳат Муҳаммаджонов эса бу сўз минг суворий аскар берадиган маъмурий ҳудуд маъносида эканини таъкидлайди. Профессор Суюн Қораевнинг фикрича, мазкур атама Ўрта Осиё ҳудудида яшаган қадимги «ҳазор» қавми номи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундан ташқари, Ҳазорасп — минг отлиқ суворий сақланадиган жой, маъносини ҳам билдиради.

Ҳазорасп қалъаси воҳанинг Қизилқумга туташ жанубий қисмида жойлашган. Тарихий манбаларда у милоддан аввалги IV-III асрларда вужудга келганлиги ҳақида қайд этилади. Хитой, Ҳиндистон ҳамда араб мамлакатларига қатновчи савдо карвонлари Ҳазорасп қалъаси ва дарвозаси орқали воҳага кириб борган. Шунингдек, шаҳар Хоразмшоҳлар давлатининг муҳим таянчи, ташқи душмандан ҳимоя қилувчи ҳарбий истеҳкомларидан бири бўлган. IX-X асрларда яшаб ўтган араб тарихчиси ат-Табарий Ҳазораспни «катта ва бой шаҳар», деб таърифлаган бўлса, ал-Истаҳрийнинг ёзишича, «Ҳазорасп орқали дала ва боғларни сув билан таъминловчи канал ўтган бўлиб, унда кемалар қатнаган». XIII аср бошида Ёқут ал-Ҳамавий: «Ҳазорасп — мустаҳкам қалъа ва гўзал шаҳардир. У бамисоли атрофи сув билан ўралган оролни эслатади. Унга фақат Хоразм тарафдан келадиган ягона йўл орқали ўтиш мумкин. Текисликда жойлашган бу шаҳарнинг бозорлари ва савдогарлари кўп, аҳолиси бой», деб ёзади.

Шаҳар қалъаси Хива хонлиги давридa ҳам катта ва мустаҳкам қўрғон ҳисобланган. Унинг атрофи юқори қисмининг қалинлиги 5 метр, пастки қисминики 10 метр, баландлиги эса 7-14 метр бўлган икки қатор девор билан ўраб олинган. Унинг асосий қисми пахсадан бўлиб, устига квадрат шаклдаги йирик хом ғишт терилган. Деворнинг ёнида кенг ва чуқур ҳандақ қазилган. Албатта, бундай мустаҳкам ҳимояланган қўрғонга душман дабдурустдан ҳужум қила олмаган. Қўрғон табиий офат ва зилзилалар, ўзаро ички ва ташқи босқинчилик урушлари оқибатида бир неча бор вайрон бўлган бўлса-да, яна қайтадан тикланган. Қисқаси, Ҳазорасп мудофаа девори милоддан аввалги V асрдан XIX асргача бўлган тарихий даврда мураккаб мудофаа иншоотига айланган бўлиб, охирги марта 1842 йили қайта тикланган ва таъмирланган. Қўрғоннинг маълум жойларида ўрнатилган қаттиқ ёғочдан ясалган баланд ва мустаҳкам дарвозалари куну тун соқчилар томонидан қўриқланган. Дарвоза яқинида мадраса, хонақоҳ ва сарой жойлашган. Амалдорлар турган сарой деворлари нафис ўйма нақшлар, рангли кошинлар билан безатилган. Эшик, дарвоза, устун ва панжаралар ҳам ўймакор қилиб ишланган. Ҳазорасп шаҳри қўрғонида Раҳимқули Иноқ томонидан қурдирилган муҳташам сарой ҳам бор. Уни Бухоро ва Эроннинг моҳир усталари бунёд этишган. Сарой ичи нақшлар билан безатилиб, атрофи қалин пахса девор билан ўраб олинган.

Буюк Ипак йўли устида жойлашгани туфайли Ҳазораспда ҳунармандчилик, савдо-сотиқ жуда ривожланган. Шаҳар аҳолиси тери ошлаш — кўнчилик, этикдўзлик, эгар тайёрлаш, темирчилик, заргарлик, мисгарлик, кулолчилик, дегрезлик, ёғоч ва мармарга ишлов бериш, нақш солиш, аравасозлик, қайиқсозлик, кемасозлик, дурадгорлик, тўқимачилик, гиламдўзлик, каштачилик, дўппидўзлик ва бошқа ҳунарлар билан шуғулланган. Ҳунармандлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар харидоргир бўлиб, ташқи бозорларга ҳам чиқарилган. XIX асрнинг иккинчи ярмида Ҳазораспда мадраса, 8 та мактаб, 9 та масжид, катта бозор фаолият кўрсатган.

Ҳазорасп қалъаси ва шаҳар харобалари XIX асрнинг 80-90-йилларидан ўрганила бошланди. Ҳаваскор ўлкашунос Аничков қадимий бинолар ҳақида: «Бу ердаги сарой ўзининг гўзаллиги ва нафис нақшлари билан мени лол қолдирди», деб ёзган эди. Афсуски, XIX асрнинг охирларида амалга оширилган қурилишлар чоғида тарихий биноларнинг аксарияти бузиб ташланган.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

КЎЙ (21.03-21.04)

Ҳар бир юклатилган вазифани интиҳосига етказиб бажаришга ҳаракат қилинг. Ҳафта сўнгида тадбиркорлик билан боғлиқ сердаромад иш таклиф қилишлари мумкин.

СИГИР(22.04-20.05)

Ушбу бурж вакиллари ўта камгап ва тортинчоқликлари туфайли ҳамкасблари томонидан танқидга учрашлари мумкин. Шанба куни ажойиб воқеаларнинг гувоҳи бўласиз.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)

Шу кунларда рахбарият билан низолар келиб чиқиши ишга бўлган иштиёқингизнинг бироз пасайишига олиб келади. Ўй-хаёлларингиз қуршовида бўлиб, яқинларингизни унутиб қўйманг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Оилавий муаммоларни ҳал этишда асосий масъулият сизнинг зиммангизга юклатилади. Ортиқча мулозамат ва такаллуфларга берилманг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Ҳафта кўнгилдагидек ўтиши учун оила аъзоларингиз билан биргаликда табиат қўйнида сайр қилинг. Жума куни ҳаётингизда ўта муҳим воқеа содир бўлади.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Ушбу бурж вакиллари ҳафта мобайнида ҳамкасбларинг диқ-қат-эътиборида бўлади. Маиший муаммолар билан боғлиқ юмушларингизни тезда ҳал қилинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Ортиқча ҳис-ҳаяжон ва эўриқиш соғлиғингизга салбий таъсир этиши мумкин. Ҳафта мазмунли ўтиши учун дам олиш кунлари турли кўнгилочар ўйинлар, томошаларга бориб маданий ҳордиқ чиқаринг.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Шахсий ҳаётда бироз қийинчиликларга дуч келишингиз эҳтимоли бор. Бундай вазиятда муаммони фақатгина сабр-тоқат билан енгишингиз мумкин.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Айни кунлар ушбу бурж вакиллари учун ҳар томонлама омадли келади. Фаолиятингизда йўл қўйган хато ва камчиликларингизни тузатиш вақти келди.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Бу ҳафта сизни ёқтирган инсонингиз билан мазмунли ва мароқли суҳбат қутмоқда. Ҳафта сўнгида фарзандларингиз тарбиясида бироз муаммо туғилиши мумкин.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Турли баҳс ва мунозарали суҳбатлардан узоқроқ юринг. Ортиқча чиқим ва сарф-харажатлар туфайли моддий томондан бироз қийинчиликларга дуч келишингиз мумкин.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Мақсадларингиз сари интилишда тавакқал қила қўрманг, бу инқироз билан тугаши мумкин. Шахсий муаммоларни деб, ижодий фаолиятингизга масъулиятсиз ёндашманг.

Билиб қўйган яхши

ҚУЛУПНАЙнинг хосияти

Шу кунлар она замин неъматларидан бири бўлган қулупнайнинг айни пишиб етилган пайти.

Юртимизда унинг ўндан зиёд нави етиштирилади. «Ғалаба», «Нимранг», «Оқпар», «Ўзбекистон», «Шредер» сингари навлар мевасининг йириклиги, мазаси ва витаминларга бойлиги билан ажралиб туради. «Мавсум» навли қулупнай бироз майдароқ бўлса-да, аммо жуда ширин. Бундан ташқари, бу навли қулупнай баҳордан кузга қадар пишиб етилаверади. Қулупнай мевасининг донаси 3-5 граммдан 60-80 граммгача етади.

Қулупнай таркибида 5,5-9,2 фоиз қанд, 1,2-1,7 фоиз органик кислоталар, инсон организми учун ғоят фойдали бўлган С витамини, темир, фосфор ва кальций моддалари мавжуд.

Қулупнай қонни кўпайтириш билан бирга паришонхотирлик, хафақон, подагра касалликларига шифо бўлади. Шунингдек, у қовуқ, буйрак ва ўт пуфагидаги тошларни эритувчанлик хусусиятига ҳам эга. Сариқ, рахит, бавосил касаллиги билан оғриган беморларга қулупнай тавсия этилса, фойдадан холи бўлмайди. Агар уни болаларга сут ва шакар билан аралаштириб берилса, ўсаётган организмни зарур дармондорилар билан таъминлаб, мустаҳкамлайди. Эзиб терига суртилса, экземага фойда қилади. Қулупнай барглари-дан тайёрланган дамлама эса «сассиқ кекирдак» касалига даводир.



Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади.

ИСТЕЪМОЛЧИГА ЭСЛАТМА

"...Дори-дармон, озиқ-овқат ва маиший кимё товарларида улар ишлаб чиқарилган сана ва яроқлилик муддати ҳамда сақлаш шартлари кўрсатилган бўлиши лозим. Сотувчиларнинг яроқлилик муддати кўрсатилмаган ёки бу муддати ўтиб кетган товарларни қабул қилиши ва реализация қилиши ман этилади".

"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасидан.

Эй сиз одамлар, эсиз одамлар

ЗЎРАВОННИНГ ЗЎРЛИГИ «ЎТМАДИ»

Ўттиз ёш — инсонга анча-мунча ишларни амалга ошириш, ҳаётини изга солиб олиш учун етарли муддат. Афсуски, Ойбек Шукуров ўттиз ёшга кирса ҳамки, на бирон касб-корнинг бошини тутди, на оиласини сақлаб қола олди. Тоғни урса, талқон қиладиган ёшда бу кимса билагидаги кучни фойдали юмушлар қолиб, зўравонликка, қинғир ниятини амалга оширишга сарфлади. Ачинарлиси, бу унинг биринчи марта жиноят содир этиши эмас. Шу пайтга қадар уч бор суднинг қора курсисига ўтирган Ойбек қилмишларидан тўғри хулоса чиқариб олмай, яна жиноятга қўл урди.

...2007 йилнинг 30 декабрь куни у Бухоро шаҳридаги ошхоналардан бирига овқатланган кирди. Таом билан бирга ароқ ҳам буюртирди. Қорни тўйгач, спиртли ичимликдан сархуш ҳолда ён-атрофдаги хўрандаларга кўз қирини ташлар экан: «Кимлардир маза қилиб кайфу сафо оғушида юрибди, — деб ўйлади. — Нега энди мен қисиниб-қимтиниб яшашим керак, Ахир янги йил киряпти, байрамни қуруқ чўнтак билан кутиб бўлмайди-ку! Қандай қилиб мўмай пул топиш мумкин-а?». У узоқ ўйламади, бирданига калласига келган фикрдан қувониб кетди.

Стол устида турган ошхона пичоғини қўйнига яшириб, кўчага йўналди. У ёқ-бу ёққа олазарак боқиб, ўлжа қидирди. Нарирокда нон сотаётган ўсмир эътиборини тортди, чунки унинг олдида янгигина велосипед турарди. Шу тобда велосипедни яхшигина нархга пуллаш мумкинлигини ўйлаб, анча дадиллашди ва йигитчани зимдан кузата бошлади. Нонни сотиб бўлган Остон нарсаларини йиғиштириб, кетишга чоғланди. Унинг одамлардан холироқ жойга ўтишини кутиб турган Ойбек чаққонлик билан йўлини тўсиб, пичоқ ўқталди. Нотаниш кимсанинг важоҳатли юзи ва қўлидаги пичоққа кўзи тушган ўсмир қўрқувдан қалтираб кетса-да, уловини қўшқўллаб тутқазиб қўйгиси келмай қаршилик кўрсатди. Босқинчи эса биров келиб қолишидан қўрқиб, вақтни бой бергиси келмай унга пичоқ урди. Сўнг велосипедни минди-ю, воқеа жойидан қочиб кетди. Мазкур ҳолат юзасидан жабрланувчи Остон Иззатов зудлик билан ички ишлар бўлимига мурожаат қилди. Олиб борилган тезкор ҳаракатлар натижасида жиноятчи қўлга олинди.

Ўзганинг мулкини талон-тарож қилиш мақсадида пичоқдан қурол сифатида фойдаланиб, унинг ҳаёти ва соғлиги учун хавфли жиноий ҳаракатни содир этган Ойбек Шукуровга қилмишига яраша жазо тайинланди. Лекин шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Атрофдагилар иккинчи маротаба панжара ортидан қайтиб келган инсоннинг тақдирига бефарқ бўлишмаганда балки бу жиноят содир этилмасмиди? Ёки у истиқомат қилган маҳалла фаоллари, профилактика инспектори ишга жойлашишига, моддий аҳволини ўнглаб олишига ёрдам беришганда навқирон бир йигит яна бир неча йиллик умрини қамоқда ўтказмаган, жамият учун фойдали юмуш билан шуғулланган бўлармиди?

Шомурод ЭРГАШЕВ, Бухоро вилояти Бухоро шаҳри прокурори ёрдамчиси.

ДОНОЛАРНИНГ ДУРДОНА ФИКРЛАРИ

Оз гапирмоқ — ҳикматга сабаб; оз емоқ — соғлиққа сабаб. Оғзига келганни демоқ — нодоннинг иши; олдига келганни емоқ — ҳайвоннинг иши.

Алишер НАВОИЙ

Ҳар қандай одам ўзини ўзгалардан осонроқ кечиради ва аксинча, бошқаларни ўзидан кўра тезроқ овутади.

Петрарка ФРАНЧЕСКО

Эл учун икки нарса таянчдир: бири — ҳушёрлик, бошқаси — адолат.

Юсуф Хос ХОЖИБ

Инсонларда атрофдагиларни ўзига ўхшатиш, бошқаларда ҳам ўзига яқин ва таниш бўлган, ўзи бевосита англайдиган сифатларни кўришга мойиллик мавжуд.

Давид ЮМ

Оқилона мақсадга эришиш учун интилувчи кишига ирода қанчалик зарур бўлса, қайсарлик шунчалик номақбулдир.

ГЕГЕЛЬ

Биз билган ва билмаган дунё

СЕРРАДО топилмалари

Conservation International (CI) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш нотижорат ташкилотининг хабар беришича, Бразилиянинг бир неча илмий текшириш муассасалари ходимлари Серрадо воҳасида ҳали фанга номаълум бўлган 14 та ҳайвон турини аниқлашган.

Таъкидлаш жоизки, Серрадо воҳаси мамлакатдаги ўзига хос экотизимга эга бўлган, саванна ва ёғочли ўсимликлардан иборат ҳудуд ҳисобланади. Бироқ, айни пайтда унинг ана шундай майдонлари ҳайдаладиган ерлар ва яйловларнинг кенгайиши натижасида кичрайиб бормоқда.

CI ҳамда Бразилиядаги университетларда фаолият юритувчи 26 нафар олимдан ташкил топган экспедиция аъзолари томонидан Серрадодаги Серра Гераль до Токантинс экологик станцияси ҳудудидан топилган янги турдаги ҳайвонларнинг саккизтаси балиқлар, учтаси судралиб юрувчилар, биттаси амфибия, биттаси сут эмизувчилар ва яна бири эса қушлар синфига мансуб эканлиги аниқланди.

Хусусан, янги турдаги ҳайвонлар орасида оёқсиз калтакесак (Bachia тури), пакана қизилиштон (Picumnus тури) ва мугузли бақа (Proceratophrys тури) ҳам бор.

ЧФ «MRA-AYDIT» (ИНН 203810890) зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства хокимията С.Рахимовского р-на г.Ташкента, в соответствии с решением учредителя ЧП «MAH-DAVR-POLIMER» реорганизуется путём преобразования в СП ООО «MAH-DAVR-POLIMER» правопреемником ЧП «MAH-DAVR-POLIMER» является СП ООО «MAH-DAVR-POLIMER» (Код по ОКПО 21917441). Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня публикации по адресу: г. Ташкент, ул. Чангалзор-Мавзук 4.

ЧП «PUDRAT QURILISH SERVIS» зарегистрированное Отделом государственной регистрации субъектов Предпринимательства хокимията М.Улугбекского р-на г. Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня публикации по адресу: Площадь Х.Олимжона западная сторона. Стр 2Б.

«Маҳалла» жамғармаси Навоий вилояти бўлими жамғарманинг Навбаҳор тумани бўлинмаси раиси Малик Момиқовга онаси **Обида ая ЖАМОЛОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Mahalla
2008 йил 7 май
19 (621)

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шухрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) **Мавлуда ҚОСИМОВА,** (масъул котиб) **Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.**

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан, шикоят мактубларидан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Навбатчи муҳаррир: **Ҳам. Абдуллаев**
Мусаҳҳиҳ: **Шаҳноза Абдувалиева**
Саҳифаловчи: **Фаррух Расулов**

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Котибият — 236-55-69
Хатлар бўлими: 236-57-62

17659 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-420 **Топширилди — 22.55**
1 2 3 4 6